


buyum shakliga o'zgartirishlar kiritish, grafiklar, jadvallar va buyum holatini aniq tasavvur qilish imkoniyatini beradi.


Dars jarayonida kompyuterdan foydalanish texnologiya fani o'qituvchisining ta'lim berish jarayonini kengaytiribgina qolmasdan, uning o'quvchilarga masala va topshiriqlar qo'yish darajasini turli variantlarda berish imkoniyati ham yaratiladi [1]. XX asrning oxirlaridan Internet tarmoqlarining jamiyat hayotida keng tarmoq yozishi ta'lim-tarbiya sohasida qulay imkoniyatlar bilan birga salbiy holatlarni ham keltirib chiqarmoqda, bu narsa o'qituvchining oldiga yangi vazifalarni qo'yadi. Kompyuterdan foydalanish madaniyatini, mazmun-ahamiatini o'qituvchi, ota-ona va o'quvchilar tug'ri anglashi, tahlil qilish madaniyati va dunyo qarashiga ega bo'lishimiz zarur.

Masalan **Рисование** Microsoft Word panel asbobidan foydalanib yog'och materiallaridan kalit qistiradigan ilmakni sodda ornamentlar bilan bezashdan foydalanib tasvirlash bo'yicha topshiriq beriladi. Microsoft Word dasturida geometrik ornamentlarni, avtofiguralardan foydalanib chizish qulay. Bunda o'quvchilar har xil geometrik figuralarni birlashtirib bezashi mumkin.




1-rasm. Geometrik ornament.

Buning uchun o'quvchi: 1. **Рисование** Автофигуры /Asosiy tigra panel asbobidan o'ziga yoqqan tasbiri tanlaydi.




2-rasm. Автофигуры/ Asosiydan kerakli figurani tanlash.



3- rasm. Ornamentni qurish uchun tanlangan figuralar.

2. Boshida bitta takrorlanuvchi rapport tanla. Buning uchun tanlangan figuralardan keragini ko'shirib ol.



4- rasm. Ornament rapport.

3. Solingan bir necha elementlardan figura qur. Agar olingan figuralarning o'lchamini marker yordamida o'zgartish kerak bo'lsa, ularni oldindan belgila.

4. Qashon rapport qurilsa, Shift tugmasini bosib turib, uni quruvchi barcha elementlarni tartib bilan belgila.

5. **Рисование** panel asbobidan **Группировать** operatsiyasini tanla. Endi rapport o'zining aylantirish, aralashtirish mumkin bo'lgan maqsadli figura ekanligini ko'rsatadi. Angla, agar siz bu figuralarning elementlarini har xil rangda bo'yashni hoxlasangiz, unda **Группировать** operatsiyasidan oldin ishlash lozim. Yopiq ob'ektni ham bo'yash mumkin.

6. Almashtirish buferidan foydalanib , rapportni takrorla.

7. Figuraning hoxlagan qismida tugmani bosib, nusqani belgilab ol. Shiqgan markerdan bittasi yashil ranga bo'yaladi. Unga sishqonchani ko'rsatgishini olib kel. U doirali strelka shaklida ko'rinadi.

8. Sishqoncha tugmasini yubormasdan turib, shu strelkani turtib, figurani 180° ga bur.

9. Bu ikki figuradan bir necha nusqa ishla.

10. Bu figuralarni olmashtirib, ornament qursa bo'ladi.

11. Agar nusxa katta bo'lsa, ortig'ini belgilab olib, uni **Delete** tugmasini bosib o'chirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchi kompyuterdan foydalanish orqali – bilimlarni manbalardan mustaqil olish, olgan bilimlari asosida ko'nikma va malakalarga ega bo'lish erishadi, amaliy va nazariy bilimlari uyg'unlashtiriladi, o'quvchining o'zlashtirish imkoniyatlari kengayadi [2]. O'qituvchi o'zidagi boy pedagogik tajriba va g'oyalardan unumli foydalangan holda zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida ta'limga mos bo'lgan yangi pedagogik texnologiyalarni yaratish hamda undan foydalanish samaradorligini oshirishda pedagoglar juda e'tiborli, zukko, mahoratli bo'lishlari zarur.

Adabiyotlar

1. Hakimov T.M., Hakimova U.T. Ta'lim jarayonida kompyuterdan samarali foydalanishning kasbiy kompetentlikka ta'siri. –Buxoro: 2015, 246-b.
2. Kamoliddinov M., Vaxobjonov B. Innovatsion pedagogic texnologiya asoslari. -T.: 2010, 105- b.
3. Глозман Е.С., Глозман А.Е., Ставрова О.Б., Хотунцев Ю.Л. Технология. Учебник издательство Мнемозина. –Москва: 2012, -С.230.

РЕЗЮМЕ

Maqolada Texnologiya fanini o'qitish jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalanish orqali o'quvchilarda kreativ mushohada qilish qobiliyatini rivojlantirish masalalari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы развития креативного мышления при помощи использования компьютерных технологий в процессе обучения предмета «Технология».

SUMMARY

The article considers the problems of developing creative thinking with the help of using computer technologies in the process of learning the subject «Technology».

ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ КАШТАДЎЗЛИГИНИНГ СПЕКТРАЛ - ВАРИАТИВЛИГИ

М.Х.Шомирзаев - педагогика фанлари номзоди, доцент

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: кашта, хунар, накш, чорси, чойшаб, дўппи, тадбиркор, микрофирма, фаолият, каштадўзлик, анъанавий, кўрғазма.

Ключевые слова: вышивка, поделки, украшения, чорси, простыни, тубетейки, бизнесмены, микрофирмы, мероприятия, вышивка, традиционные, выставочные.

Key words: embroidery, crafts, jewelry, chorsi, sheets, skullcaps, businessmen, microfirms, events, embroidery, traditional, exhibition.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий сифат ўзгаришлари даврида ҳам халқимиз

ўтмиши, бугуни, орзу-истаклари, ўй-хаёллари билан боғлиқ каштачилик хунарини асраб-авайлаб келмоқда.

Каштачилик хунарини ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш нафақат ҳар бир ўзбек каштачи аёлининг, балки барчамизнинг инсоний бурчимиз. Каштадўзлик хунарини сақлаб қолиш учун ҳозирги замонавий кашталарни, қадимги кашта маҳсулотлари тайёрлаш усуллариини нақш безакларини ҳам сақлаган ҳолда, уйғунлаштириб кашталар яратиш талаб қилинади.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз ўзининг миллий анъаналарини, урф-одатларини қайта тиклаб, миллий хунаремандчиликка бўлган кизиқиши янада ортди.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилган ПФ-1741-сонли «Халқ бадиий хунаремандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикамызда яшовчи барча халқлар сингари Фарғона водийси аҳолисининг ҳам бадиий хунаремандчилик ва амалий санъатга бўлган кизиқишини оширди.

Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилонда ибратли ишлар қилинмоқда. Бу шаҳарларда хунаремандчилик уюшмалари ташкил этилган. Улар Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳар ва қишлоқларида фаолият юритувчи хунаремандлар фаолиятини ривожлантириш, хунаремандчилик анъаналарини давом эттириш билан шуғулланмоқдалар. Андижонда Манзурахон Юсупова, Марғилонда Расулжон Мирзаахмедов, Наманганда Икромжон Каримов бошчилигида қадимги хунаремандчилик анъаналарини сақлаб қолиш бўйича бир қанча ишлар қилинмоқда. Улар ўз уюшмаларига ҳар бири 30 ва 50 нафардан ортик хунаремандни бирлаштирган. Мана шу 50 нафардан ортик; турли соҳа хунаремандлари ичида каштадўзлик хунаремандлари ҳам фаолият юритишмоқда.

Булардан қадимги нақш орнаментларини қайта тиклаш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида фаолият кўрсатаётган уюшма раҳбари Манзурахон Юсупова, каштачи аёллардан Гулнора Шарипова, Мухайё Нишоновна, Мохигул Дехқонова, Гулнисо Жумабоева каби қўллаб аёлларни санашимиз мумкин. Бу каштачи аёллар кашта буюмларидан чорси, дўппи, тагчайшаб, деворчайшаб, дўппиларни тикиб авлоддан-авлодга етказиб келмоқда.

Наманганда Икромжон Каримов раҳбарлигида ўзининг 10 нафардан ортик шогирди билан бирга қадимги кашта чоклар асосида кашта буюмлари яратиб, мамлакатимиз ҳамда хорижий бозорларда фаолият юритишмоқда. Марғилонда Расулжон Мирзаахмедов томонидан қадимги кашта намуналари асосида кашта буюмлари яратилиб келинмоқда. Фарғона водийсининг бу хунаремандлари фақатгина водий бозорлари эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, балки турли ярмаркаларда ўзининг қадимги кашта буюмлари ва кашта матолари билан қатнашиб, хорижий мамлакатлардаги ихлосмандларнинг ҳам эҳтиёжини қондиришмоқда.

Марғилон хунаремандлар уюшмаси раҳбари Расулжон Мирзаахмедов 2006 йили КаКСа ва ЮНЕСКО доирасида ўтказилган «Сифат белгиси» мусобақасида олий баҳмал матоси билан қатнашиб «Сифат белгиси» нишонини ва пул мукофотини олишга мушарраф бўлди. Марғилон хунаремандлари Япония, Франция, АҚШ давлатларида бўлган халқаро кўргазмаларда қатнашиб, анъанавий ўзбек хунаремандчилигини дунёга танитиб келишмоқда.

Хунаремандларнинг иш фаолиятига назар ташлаганимызда касбларнинг моддий-маънавий

томонлари кўзга кўринади. Масалан, дўппи тикиш математик ҳисоб-китоб асосида олиб борилса, чорси тикишда тўғри чизик, геометрик шакллар орқали турли нақшлар, гуллар тикишда табиатдаги ранглардан баҳраманд бўлинади.

Энг асосийси, хунаремандлиكنинг ҳар қандай тури билан шуғулланганда ҳам ўқувчи-ёшлар устоздан касб-хунар сирларини ўрганади, уларда каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш каби умуминсоний қадриятлар шаклланади. Иккинчи томондан, ўқувчи-ёшлар бўш вақтларидан оила бюджетини мустаҳкамлашда фойдаланадилар. Хунар ўқувчи-ёшларни ҳаётга ижодий назар билан қарашга, табиат гўзаллигини, ҳаётни севишга, сабр-тоқатли бўлишга ўргатади.

Албатта, устоз-шогирд анъаналари туфайли ўқувчи-ёшлар мамлакатимиз турли типдаги таълим муассасаларида ўқиш билан бирга анъанавий хунар ўрганишга ўз хиссаларини қўшишга муваффақ бўладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йилнинг 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг амалга оширилиши хунаремандлар ва устоз - шогирд анъаналарига катта ёрдам беради. Фармондан кўзлаган мақсад - миллий шароитимизга мос уй меҳнати турларини кенгайтириш, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналарини ҳамда оила бизнеси - тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ҳам ўз хиссасини қўпайтириш.

Хунаремандлар ёрдамида тайёрланаётган кашта буюмлари кўп меҳнат талаб қилса-да, камчиқим ҳисобланади. Кўп меҳнат, асосан, игна-ип билан бажарилиб, халқ эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Каштачилик, асосан, аёллар қўл меҳнати билан амалга оширилади.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида Фарғона водийси ҳудуди XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам марказий шаҳарлардаги бозорлар ўзининг гавжумлиги, сотиладиган молларнинг тури ва миқдорининг кўплиги, тузилиши, бозор аҳли этник таркиби билан бошқа ҳудуд бозорларидан ажралиб турган. Бозорлардан кашта буюмлари, каштачиликда ишлатиладиган матолар, иплар, сотиб олиб ишлатилган.

Айтиш жоизки, бугунги бозор муносабатлари шароитида кашта буюмлар: чорси, Марғилон дўппи, Чуст дўппи, Андижон дўппиларининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Шу боис халқимизнинг каштачилик буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун аёллар ва қизларнинг меҳнати зарур. Бу эса мамлакатимизда кашта буюмлари яратиш зарур эканлигини тақозо қилади.

Бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, фан-техника тарвдиётини тезлаштиришда муҳим роль ўйнайди, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Микрофирмалар ва хусусий корхоналар бизнес ва тадбиркорлиكنинг ташкилий шакли сифатида йирик бирлашма корпорация ва шу билан бирга уюшмаларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишига йўл очади.

Анъанавий каштачиликни ривожлантириш кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти, айниқса, хусусий фирмалар тажрибали ва тажрибасиз кишиларни ҳам иш билан таъминлаш имконини беради. Иқтисодий ўсишни таъминлашда, янги иш ўринларини ташкил этишда, бандлик муаммосини ҳал қилишда, аҳолининг

даромадлари ва фаровонлигини оширишда, барча хунармандчилик соҳалари каби каштадўзлик хунари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда анъанавий каштадўзликка алоҳида эътибор қаратилди.

Андижондаги маҳаллий бозорларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, эркалар дўппилари турларига қараб, ҳар бири 40 - 80 минг, кизлар дўппилари эса 10 - 50 минг, чорсилар 2-20 минг, ёстиқ ғилофлари кашталари 10-20 минг сумгача сотилмоқда.

Халқимизнинг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжини билиш мақсадида 50 та саволдан иборат анкета саволлари тузиб чиқилди. Анкета саволлари асосида Фарғона вилоятида, Наманган шаҳрида ва Андижон шаҳри ҳудудида сўровнома ўтказилди. Бунинг натижасида аҳолининг кашта буюмларига бўлган эҳтиёжи ва меҳнат ресурслари ўрганиб чиқилди. Анкета саволлари асосидаги сўровнома натижасида

аниқланишича, 16 % фуқаронинг оналари каштачилик билан шуғулланишган. Фарзандлари каштадўзлик хунаридан хабардор. Сўралганларнинг 89 % и аёллар дўпписи ҳозирги кунда ҳам керак эканлигини, 80 % и эркалар дўпписи керак эканлигини, 79 % и кашта тикишда нималардан фойдаланиш мумкинлигини ва тикишга кизиқиши борлигини кўрсатди.

Юқоридаги анкета саволлари асосидаги кўрсаткичларидан билиш мумкинки, республикаимизда ривожланган Ғиждувон, Бойсун, Нурота, Бухоро каштачилик мактаблари каби Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон каштачилик мактаблари ҳам уз ўрнини кўрсатиб келмоқда.

Янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда шу асосда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадларини самарали ҳал этишда анъанавий каштадўзликни ривожлантириш салмоқли аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Бернштам А. Н.Киргизский народный повествовательный узор- Киргизский национальный узор. - Ленинград-Фрунзе: 1948.
3. Писарчик А.К. Народное прикладное искусство таджиков. –Душанбе: 1987.
4. Симаков Н.Е. Искусство Средней Азии. Сборник орнаментов и узоров, снятых с натуры на памятниках арх. и предметах гончарных ткацких, ювелирных и пр. в 1879. СПб., 1883.
5. Тарасов А.Н. Народное вышивки Бухары. Декоративное искусство. 1957.
6. Уразов М.Б. Каштадўзлик ва тўқимачилик хунарига оид атамалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 6, 47-49-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек анъанавий каштадўзлигининг спектрал-вариативлиги физика, математика, кимё, технология ва хоказо фанлар интеграцияси асосида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается спектральная изменчивость узбекской традиционной вышивки, основанная на интеграции физики, математики, химии, технологии и т.д.

SUMMARY

The article describes the spectral variability of Uzbek traditional embroidery, based on the integration of physics, mathematics, chemistry, technology, etc.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМ УЧУН ЎҚУВ КОНТЕНТИНИ ЯРАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ҲАҚИДА

Ш.Ш.Юлдашева – педагогика фанлари номзоди, доцент

Г.А.Осупова – ассистент-ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: аралаш таълим, ўзбек тили, давлат тили, рақамли технологиялар, интерфаол машқ, интерфаол диктант, “Savodxon”.

Ключевые слова: смешанное обучение, узбекский язык, государственный язык, цифровые технологии, интерактивное упражнение, интерактивный диктант, “Savodxon”.

Key words: blended learning, Uzbek language, digital technologies, interactive exercises, interactive dictator, “Savodxon”.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясига, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига, ўзимиз фаолият юритаётган таълим муассасаси томонидан танланган устувор йўналишларга, манзилли харакатлар дастурига таяниб, ислохотларнинг олдинги сафида бўлиш тақозо қилинаётган шароитда педагоглар анъанавий ва замонавий ўқитиш усуллариини интеграциялашга аҳамият қаратишмоқда. Бундан ўзбек тилини ўқитиш жараёни ҳам мустасно эмас. Аксинча ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ортиб бораётган даврда уни ривожлантириш ва ўқитиш методикасини такомиллаштиришга эътибор янада кучайиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чоратadbirlари тўғрисида”ги фармонида кўра халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санаси «Ўзбек тили байрами кuni» деб эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Айниқса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан,

давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга қаратилган ишларни амалга ошириш қаторида давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш ва халқимиз ҳамда чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш каби вазифаларнинг белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [1]. Бу борада таълим муассасаларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитиш масаласи янада долзарблик касб қилади. Дарҳақиқат, бўлажак мутахассиснинг касбий лаёқати ва маҳорати ҳозирги даврда ўз касби доирасида қўлланадиган соҳа терминларини, давлат тилида иш юритиш малакасини, нутқ маданияти асослари ҳамда нотиклик меъёрларини ҳам билишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга ўзбек тили ўқитувчисининг мақоми ҳам тубдан ўзгармоқда. Эндиликда у ягона ахборот манбаси ва дарсининг олий ҳаками вазифасини бажара олиши мумкин эмас. Ҳозирда унинг вазифалари талабаларнинг мустақил таълим олишини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш,